O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

БУГУНГИ СОНДА:

**Аҳоли билан бевосита мулоқот**
партия нуфузини оширади, дея таъкидлашди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши Пленуми иштирокчилари
2



**«Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш истиқболлари**
«Электрон ҳукумат» тармоғининг ривожланиши, бир томондан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечими йўлида қарорлар қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига ёрдам беради.
3

**Келажакпосбонлари**
— Тадбирни “Собит қадам” деб номлашимиз ҳам бежиз эмас, — гапга қўшилди бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Бобоева. — Бу таърифнинг ўзиёқ мурғак қалбларда миллий қаҳрамонларимизнинг собит қадамларидан ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотиб, уларда ҳарбий ватанпарварлик руҳини кучайтиради...
8



Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 13-14 (769)
2010 йил, 26 март, жума

adolat_sdp@doda.uz

Давра суҳбати

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда «Адолат» СДП фракциясининг вазифалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, олий ўқув юртлари олимлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари вакиллари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, шунингдек, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси сингари ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.*



## ИЖТИМОИЙ СОҲА

### ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш — давр талаби

Маълумки, мамлакатимизда истиқлол йилларида ижтимоий соҳага катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили давлат бюджетининг салмоқли қисми айни шу соҳага ажратилиб, унинг ҳар томонлама ривожи учун кенг кўламли ва салмоқли ишлар амалга оширилаётганлиги бунинг ёрқин далили ҳисобланади. Аммо бугунги давр ижтимоий соҳа тараққиёти йўлида унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

(Давоми 2-бетда.)





Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида 24 март куни иш бошлаган «Woridfood-2010» озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш воситалари ва ускуналарининг ўнинчи ҳамда «Aqro Word-2010» қишлоқ хўжалиги технологияларининг бешинчи халқаро кўргазмалари кеча ўз якунига етди.

Гулистон (Сирдарё вилояти) шаҳрида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 35 та корхона ва ташкилот 303 та бўш иш ўрни билан қатнашиб, унга вилоятдаги 17 та маҳалла фуқаролар йиғини рўйхатида турган ишсизлар ҳамда қатор касб-ҳунар коллежлари битирувчилари таклиф этилди.

Ярмарка якунида 100 нафарга яқин киши янги иш жойларига йўлланма олди.

Ҳазорасп туманида (Хоразм вилояти) қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади.

Туманнинг Саноат қишлоғида қад рослаган мазкур саноат кархонаси мих, рубероид (қорақоғоз), картон қутилар, пластмасса идишлар ва темир тўрлар каби қурилиш маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган.

Тошкентда Ҳиндистон Республикасининг халқ истеъмоли маҳсулотлари «India Exhibition – 2010» халқаро кўргазмаси иш бошлади.

Республика савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма 27 мартга қадар давом этади.

Кўнгилдаги гап

## ҚАДАМИНГГА ҲАСАНОТ, НАВРЎЗ!

23 март куни пойтахтимизнинг байрамона безатилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз сўзини тинглаб ўтириб, бир жойига келганда «эй, яшасин!» деб ўрнимдан туриб кетдим. Давлатимиз раҳбари жуда юксак фахр билан айтди: **«...Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди».**

Бу нимадан далолат? Бу жуда-жуда қадимий ва неча-неча асрлар оша ёшариб, янгиланиб келаётган мунаввар байрамимиз мазмун-моҳиятини эндиликда бутун жаҳон аҳли эътироф этаётганлигидан, тан олаётганлигидан далолат.

Зеро, айни шу куни табрик сўзи матнида айтилганидек, «халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар» йил сайин бот-бот ўз тасдиғини топиб боради. Ҳар бир инсон оила аъзолари, қадрдонларини бағрига олиб, ҳатто кўзига иссиқ кўринган таниш-нотаниш кишиларни ҳам табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, омад ва бошқа хуш тилаклар билдиради, юртимиз аҳлига бирдамлик, осмонимизга бeғуборлик тилайди.

«Неча минг йиллик тарихдан маълумки, — деди Юртбошимиз, — Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди». Бу шубҳасиз, инсоният тамаддуни ривожига жуда катта туртки беради.

Шунинг учун ҳам халқаро нуфузли ташкилот — БМТ шу йилдан бошлаб, Наврўзни халқаро миқёсда нишонланадиган саналар қаторига қўшибдими, демак, бу биз учун чиндан ҳам катта фахр, ифтихор ва ғурурдир.

Бир неча йилдирки, шахсан Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолиги остида ўзбек курашининг, бу йилдан бошлаб эса, Наврўз айёмимиз ҳам жаҳон миқёсида тан олинганлиги, эътироф этилганлиги биз учун чинакам қувонч ва фахрдир. Демакки, бу йилги Найрўз ўлкамизга яна бир қутлуғ қадами — халқаро мақоми билан кириб келди.

Қадамингга ҳасанот, Наврўз!

**Тошпўлат МАТИБОЕВ,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси.**

Депутат минбари

## ИННОВАЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори олимларимиз яратган инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш имкониятини бермоқда.*

Мазкур қарор асосида ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Бунинг натижасида олимлар яратган юқори самарали технологияларни амалиётга жорий этиш кўлами кенгаймоқда.

Пойтахтимизда ташкил этилган III Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида бу гал ҳам иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар тақдим этилди. Улар замонавий, тежамкор ва таннархининг нисбатан арзонлиги билан бемалол рақобатга кириша олади. Эътиборлиси, ярмарка мамлакатимиз ёшларининг илмий фаолиятини янада шакллантириш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқаришга хизмат қилгани билан ҳам бошқаларидан ажралиб турди. Ярмаркада ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг 80 дан ортиқ инновацион технологиялари намойиш этилганлиги сўзимиз тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий ўтказиб келинаётган ярмаркада олимларимиз илғор инновацион ишланма ва лойиҳалар, замонавий қурилма ва технологияларни намойиш этиш билан бирга, республикамиздаги йирик саноат корхоналари билан кооперацион шартномалар имзолаш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда. Пировардида, саноат корхоналарида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Корхоналарда замонавий технологияларнинг қўлланилиши сарф-харажатлар кескин қисқариши ва маҳсулот таннархининг пасайишига, ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашувига хизмат қилаяпти. Бу эса ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайишига туртки бўлаётир.

Ярмарка фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш борасида кенг йўл очиб берди. Буни юртимиз олимлари чуқур ҳис этишаяпти. Бунинг боиси бор, албатта. Илгари олимларимиз ўз ихтироларини амалиётга жорий қилиш учун корхонама-корхона юриб, унинг афзалликларини исботлашга, йирик саноат қурилмаларида бир неча бор синовлардан ўтказишга тўғри келар эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундай ёндашувларга барҳам берилди. Яратилаётган шарт-шароитлар, илм аҳлига бўлган юксак эътибор олимларни рақобатдош, хорижникидан қолишмайдиган инновацион технологиялар яратишга ундамоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда учраётган муаммоларни илғаб, уларнинг ечимига қаратилган лойиҳалар устида зўр қизиқиш билан изчил изланишлар олиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

# ИЖТИМОИЙ СОҲА

## ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш – давр талаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Хўш, бу ўта муҳим ва масъулиятли жараёнда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, айниқса, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг вазифалари нималардан иборат бўлади?

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатда амалга оширилаётган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалам бор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Шунингдек, партия ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллаштириб борилиши тарафдори. Шу боис, партиянинг сайловолди дастурида соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш масаласига кенг ўрин берилган. Хусусан, сайловолди дастурида алоҳида қайд этилганидек, партия таълим сифатини ошириш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхшилаш бўйича мавжуд қонунчиликни такомилига етказишга муносиб улуш қўшишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Қолаверса, соғлиқни сақлаш тизимида тиббий ёрдам сифатини янада оширишга қаратилган аниқ вазифаларни бажариш ҳам сайловолди дастурининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Давра суҳбатида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Собир Турсунов иштирокчилар эътиборини айни шу масалаларга қаратди.

— Албатта, сайловолди дастуридан ўрин олган мазкур масалалар, энг аввало, партиянинг Парламент қуйи палатасидаги фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти орқали ҳал этилади, — деди иштирокчи. — Фракция бугунги кунда ушбу йўналиш бўйича ўзининг аниқ вазифаларини белгилаб олди. Масалан, «Инновацион фаолият тўғрисида», «Тиббий суғурта тўғрисида», «Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги каби йигирмадан зиёд қонунлар ташаббуси билан чиқиш режалаштирилмоқда. Кўриниб турибдики, «Адолат» СДП фракцияси партиянинг сайловолди дастурида назарда тутилган ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ўз улушини қўшишга қатъий бел боғлаган. Мухтасар айтганда, фракциямизнинг белгилаб олган яқин ва ўрта муддатли стратегик режаларидан бири бўлган ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи — мамлакатимизда кечаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва тиббий хизматни янада такомиллаштириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилиб, бу борада эътирофга молик кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш механизми замон талаб ва эҳтиёжларидан, маҳаллий шарт-шароитлардан, фуқароларнинг хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда мутлақо янгича тарзда ташкил этилди. Аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида республикамизнинг ҳаттоки энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Шу билан бирга, “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Президент Фармонига биноан юқори малакали замонавий тиббий хизматни йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизда мавжуд 4 та ихтисослаштирилган марказлар сони 6 тага кўпайди. Умуман олганда, соҳада кейинги йилларда олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, тиббий хизмат кўрсатиш кўлами ортиб, сифати яхшиланди.

— Маълумки, ислоҳотлар самараси, аввало, меъёрий-ҳуқуқий база қай даражада яратилганлигига боғлиқ, — деди давра суҳбатида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зуҳра Ботирова. — Айни пайтда республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги муносабатларни тартибга солиб келаётган “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика воситалари тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги каби 12 та қонун ҳамда ўнлаб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тиббиёт қонунчилигига муайян ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати туғилмоқда. Чунки айрим қонунлардаги нормалар соҳадаги амалиёт тартиб-таомилига зид. Бу ҳолат ислоҳотларнинг самарадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Хусусан, бозор инфратузилмаси талабларига тўла мос келадиган тиббиётга оид суғуртавий муносабатларни қонуний ҳал этувчи “Тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш фурсати етди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбати иштирокчилари ижтимоий соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда тиббиёт қонунчилигининг ўрни муҳимлигини таъкидлаш баробарида, соҳанинг замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган мукаммал ҳуқуқий пойдеворини яратиш борасида қатор долзарб вазифалар мавжудлигини ҳам алоҳида қайд этдилар. Таъкидландики, тиббиётнинг хусусий секторида хизмат кўрсатаётган шифокорлар учун бошқа соҳалардаги тадбиркорлик субъектлари билан тенг асосда шарт-шароитлар яратилган. Бу мамлакатимизда альтернатив тиббиёт, тиббий хизмат кўрсатиш бозорининг тараққий этиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо, юқори малакали соҳа мутахассисларини тайёрлаш ҳолати тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабига тўлиқ жавоб бермайди. Шу сабабли малакали тиббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда тараққий этган хорижий давлатлар тиббиётининг ижобий тажрибаларидан оқилона ва кенг фойдаланиш, соҳа мутахассисларини ҳудудий талаб-эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, аниқ ҳамда режали асосда жой-жойига қўйиш лозим.

— Сўнгги йилларда юртимиз аҳолисининг саломатлиги анчагина яхшиланди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев. — Шу билан бирга, репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш партиямизнинг асосий вазифаларидан биридир. Соғлом оилани ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий маданияти ва масъулиятини ошириш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида “Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Зеро, бу “Баркамол авлод йили” Давлат дастуридаги вазифалар ечимига уйғун, ҳамоҳанг масала ҳамдир.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси томонидан илгари сурилган тиббиёт қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган мазкур ташаббус ниҳоятда долзарб ва аҳамиятли масала эканлиги эътироф этилиб, бу нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, балки соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, соҳа олимлари, амалиётчи шифокорлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи Одилхўжа Парпиевнинг «Илмий ва инновация фаолиятни жадаллаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги маърузаси ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Нотиқнинг таъкидлашича, мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолият юксалтириш учун етарли илмий салоҳият мавжуд. Хусусан, ҳозирги кунда республикада 220 дан ортиқ ташкилотлар илмий фаолият билан шуғулланмоқда. Илмий тадқиқотлар соҳасига қарийб 36 минг нафар мутахассислар, шу жумладан, 2,4 минг нафардан ортиқ фан докторлари, 8,2 мингдан ортиқ фан номзодлари ҳамда 25 минг нафардан ортиқ тадқиқотчилар, муҳандислар, техник ва лаборант ходимлар жалб этилган.

— Президентимизнинг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари олимларимиз яратган инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш учун кенг имконият яратмоқда, — деди маърузачи. — Умуман олганда, айни кунда республикамизда фундаментал, амалий тадқиқотлар, инновация ишлари илмий-техника дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва молиялаштириш, илмий-техника лойиҳалари ва ҳисоботлари экспертизаси, мониторингини олиб бориш тартибларини белгиловчи 8 та меъёрий ҳужжат асосида олиб борилаяпти. Мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш вазифаси соҳанинг мукаммал ҳуқуқий асосларини яратишни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, партиянинг сайловолди дастурида қайд этилганидек, бугунги кунда иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор. Бу борада «миллий инновация тизими»ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Негаки, бу яқин истиқболда инновацион ғоялар, ихтироларни амалиётга тез татбиқ этишнинг зарурий омилига айланади. Ушбу вазифаларни бажариш учун эса «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек, «Фан тўғрисида»ги қонун лойиҳасини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, ишлаб чиқиладиган соҳа қонунчилигида илмий тадқиқотларга давлат буюртмаси, илмий-техника лойиҳалари ва ҳисоботларини давлат рўйхатидан ўтказиш, технологиялар трансфери ҳамда давлат буюртмаси асосида яратилган интеллектуал мулкдан фойдаланиш каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар давра суҳбатида муҳокама қилинган масалалар бўйича ўзларининг асосли ва ўринли мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, таклифларини билдирдилар. Шунга кўра, тадбир якунида партия фракциясининг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Камол АЛЛАЁРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**
**Носир ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**





# ИННОВАЦИЯ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

III Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан ўзаро ҳамкорликда икки томонлама келишув битимини имзолади. Бу битимдан кўзланган асосий мақсад икки томонлама ўзаро алоқаларни юридик жиҳатдан ҳуқуқий мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу билан бирга, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида, илм-фанда эришилаётган ютуқлар, инновацион ишланмалар, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг замонавий механизмини яратиш, илмий ташкилотлар билан иқтисодиётнинг реал сектори бўлган йирик саноат корхоналари ўртасидаги кооперацион алоқаларини мустаҳкамлаш, амалиётда “миллий инновацион тизим” (МИТ)ни юридик, меъёрий-ҳуқуқий асосини яратиш каби масалалар назарда тутилган.

Битимда томонлар ўртасида бир неча йўналиш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг йиллик режасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, келишув битимига янги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўзаро маслаҳатлар ташкил этиш, давлатимиз раҳбарининг “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқариш корхоналарини 2009-2014 йилларда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва эскпорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш каби масалалар ҳам киритилган. Қонун талаблари асосида, келишув битими шартларига кўра ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни ривожлантириш учун хизмат қиладиган марказ ва бошқа ташкилий бўлимларни ташкил этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар устувор вазифа қилиб белгилаб олинган. Бу борадаги ҳукумат ташаббусларини партиямиз қўллаб-қувватлайди ва III Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида имзоланган ушбу икки томонлама битим ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлиб хизмат қилади.

**Обиджон ЮНУСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**«Адолат» СДП фракцияси аъзоси.**

## Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида

# АҲОЛИ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

## партия нуфузини оширади, дея таъкидлашди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши Пленуми иштирокчилари



Аввало таъкидлаш лозимки, бу галги вилоят Кенгаши Пленуми очиқ мулоқот руҳида ўтганлиги ва муҳокама майдонига ғоят долзарб муаммоларни олиб чиққанлиги билан эътиборга молик бўлди. Анжуман иштирокчилари — шаҳар ва туманлар партия Кенгашлари раислари ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга бефарқ эмасликларини, айни шу йўналишда депутатлик гуруҳлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик кутилган натижаларни бериши мумкинлигини таъкидлашди.

Бугун мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда етакчи куч ҳисобланган партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Бу талаб Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аниқ баён этилди. Шу боис, Пленум иштирокчилари ҳам давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиққан ҳолда, вилоят партия Кенгаши олдида турган устувор вазифаларини белгилаб олдилар.

Вилоят партия Кенгашининг раиси Рустам Қаршибоев анжуман қатнашчилари эътиборини Самарқандда бўлаётган беқиёс ўзгаришларга — улкан қурилиш, ободончиликларга, халқнинг руҳиятидаги уйғонишларга, муносиб турмуш шароити яратиш йўлидаги изланиш-интилишларга қаратди. Шундай жараёнда партия фаоллари, депутатлар жамоатчилик билан ҳамфикр бўлиб, уларнинг мақсад ва муддаолари, ҳаракатларини бирлаштира оляптиларми? Қандай қилсак, партиянинг сайловолди дастури ва электорат манфаатларига мос тарзда самарали иш юритган бўламиз?

— Қисқа вақтда аҳолини ишга жойлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқарув идоралари фаолияти устида жамоатчилик назоратини ўрнатишда сезиларли ютуқларга эришдик, — деди бу саволларга жавобан партиянинг Ургут тумани Кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Аввало, партия жамоатчилик қабулхонасининг доимий фаолиятини йўлга қўйдик. Шунинг натижасида ташкилотимизга фуқаролардан мурожатлар кўпайди. Хусусий тадбиркорлар билан шартнома асосида 260 кишини янги иш ўрни билан таъминлашга эришдик. Ижтимоий таъминот соҳасидаги жиддий камчилик ва нуқсонларни эса депутатлик гуруҳига таяниб, Халқ депутатлари туман кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқдик. Айбдорлар жазоланди. Энди «Адолат»ни Ургутда ўз таъсирига эга, курашчан партия деб тан олишмоқда.

— Биз ҳам сайловолди дастуридан келиб чиқиб нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни кучайтираяпмиз, — деди партиянинг Оқдарё туман Кенгаши раиси Норбуви Нурматова. — Самарқанддаги «Сабр» ишонч марказининг бевосита кўмагида ўнлаб хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этдик.

Самарқанд шаҳар партия Кенгаши раиси Тўрахон Ҳошимов партиядошларни ижтимоий муаммоларга сезгир бўлишга ундади. Хусусан, Самарқанд шаҳрида чиқиндиларни ташиб кетиш ва қайта ишлаш маълум бир муаммоларга сабаб бўлмоқда. Чунки шаҳар ташқарисида чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси қурилиши тўхтаб қолган. Бу ерда жорий этилиши зарур бўлган технологиялар эса аллақачон эскирган. Шу боис, масалани депутатлар иштирокида Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига олиб чиқилиши учун жиддий тайёргарлик кўряпмиз, деди у.

Вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Эшмамат Қурбонов шаҳар ва туман партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ишларнинг аҳволи, хусусан, аъзолик бадалларини йиғиш борасидаги сусткашликлар ҳақида тўхталиб, анжуман иштирокчилари эътиборини бу борадаги камчиликларга қаратди.

— Партиянинг ташкилий ишларини яхшилашнинг бирламчи шарти — бошланғич ташкилотлар билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг меҳнат жамоаларидаги нуфузини оширишга кўмаклашишдан иборат, — деди Самарқанд туман партия Кенгаши раиси Зуҳра Қуддусова. — Агар биз меҳнат жамоаси ёки маҳаллада жамоатчилик назоратини амалга оширишга қодир сиёсий куч борлигини намоён эта олсак, мавқеимиз янада мустаҳкамланади. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар етакчиларининг аҳоли билан бевосита мулоқотлари натижасида юзага келган ҳар битта таклифи партия Кенгашлари, депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганилиб, қўллаб-қувватланишига эришиш зарур.

Айни шундай ёндашув, яъни партиянинг қуйи ташкилотлар, дупутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги Пахтачи, Қўшработ, Нуробод сингари туманларда дуруст йўлга қўйилмаганлиги, бу эса сайловолди дастури ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётганлиги Пленумда жиддий камчилик сифатида таъкидланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# ОРАМИЗДА ЯШАЁТГАН ЭЗГУЛИК

## туфайли «Адолат» СДП Наманган шаҳар Кенгашининг эсдалик совғаси Косонсойдаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаевга насиб этди

Инсоний фазилатларнинг кўрклиси — саховат. Боз устига, мурувватпешалик савоб ҳамдир. Дуоталаб инсоннинг эса на муддаоси, на иддаоси бор. Фақат савоб топсам, бирор чорасизнинг корига ярасам, дейди. Ҳарҳолда, Ҳамидхон Мўйдинхўжаев амалга ошираётган ишларнинг аврасида ҳам, астарида ҳам ана шундай хайрли кўламни кўриш мумкин.

Муҳими, бу одамнинг сурати ҳам, сийрати ҳам бир — қозонида бори чўмичида намоён. Аниқ далилларга қараганда, 2008-2009 йилларда «Чашмаи сафед» фермер хўжалигида орттирилган даромадларнинг қарийб 36 миллион сўмдан кўпроғи хайрия йўлида сарфланган. Биргина 8 та кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 1 тадан бепул қорамол олиб берилганининг ўзи бугунги нархлар ҳисобида 10 миллион сўмнинг нари-берисини англатади. Ёки бу одамнинг беминнат ҳиммати туфайли аравачали бўлган ногиронлар, хатна тўйи қилиб берилган норасидалар, никоҳ базми нишонлаб берилган ёш оилаларнинг дил розлари ҳақида ёзишнинг ўзи алоҳида бир мавзу. Айниқса, баркамол авлод камолоти йўлида сарф этилаётган маблағлар, сахий бу одамнинг «Бир куни бой бўлсам, амалга ошираман» деб дилига тугиб қўйган ниятларининг дебочаси, холос.

— Анчадан бери дунё бўйлаб велосипедда саёҳат қилишни, шу баҳона халқаро дўстлик алоқаларини ривожлантиришда бевосита иштирокчи бўлишни, айниқса Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хоклари ётган жойларни зиёрат қилиб, уларнинг руҳларини хотирлашни орзу қилиб келардим, — дейди биз билан суҳбатда косонсойлик велосаёҳатчи Зоҳид Турсунов. — Ниҳоят, Ҳамидхон аканинг бевосита кўмаги ва ҳомийлиги ёрдамида ниятимга эришдим: велосипедда қатор хориж давлатлари бўйлаб саёҳат қилиб қайтдим.

Кўриб турибсиз: шу биргина мисолнинг ўзи қаҳрамонимиз учун қанча таъриф, қанча эътироф. Энг муҳими, у яқинда Наманган шаҳрида ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, «Энг мурувватли фермер» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Танловнинг тақдирлаш маросимида сўзга чиққан «Адолат» СДП Наманган шаҳар Кенгаши раиси Ваҳобжон Ибрагимов:

— Синчиклаб кузатсак, эзгуликка хизмат қилган ва қилаётган ҳар бир инсон, ўз ватанини севган, дунё тақдири учун қайғурган ҳар бир одам адолатни ҳам севганига ва унга суянганига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам «Адолат» СДП ҳамиша мурувватлилар, саховатлилар тарафида бўлган. Биз ҳозир ҳам ҳақли равишда партиямизнинг эсдалик совғасини ушбу кўрик-танловнинг «Энг мурувватли фермер» номинацияси бўйича ғолиб деб топилган саховатпеша инсон — Ҳамидхон Мўйдинхўжаевга топширишга қарор қилдик, — деди ва самимий қутлаб совғани топширди.

Бизнингча, ҳам бу қарор ўз ўрнида тўғри ва ҳақли адо этилди. Зеро, эзгуликка ошино бу одам қалбан адолатга ҳам ошино. Унинг ўз таъбирича айтганда: «Адолат зоҳир қалбдагина адолат яшайди».

**Саййид ОЛИМ,**
**«Adolat» мухбири.**

# ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ОАВ ФАОЛЛИГИ:

## уларнинг ролини ошириш ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифа

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузасида миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб бериш зарурлиги таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросига бағишлаб ўтказилган "ОАВ соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш: унинг сифати ва таъсирчанлигини оширишнинг долзарб вазифалари" мавзуидаги йиғилишда ОАВ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва тўлиқ ижро этилиши масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда иштирок этган парламент қуйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари кун тартибидаги масала юзасидан ўз партиялари нуқтаи назарини баён қилдилар.

Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг фракцияси аъзолари асосий эътиборни ОАВ соҳасида давлат сектори устуворлигига эришиш ва шу орқали фуқароларни ишончли ахборотлар билан таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурлигига қаратдилар.

Йиғилишда O'zLiDeP фракцияси вакиллари йирик медиакорпорациялар, медиахолдингларни ташкил қилиш, ижодий жамоаларнинг маркетинг ва менежмент асосларини ўзлаштиришлари ва ўз фаолиятларида татбиқ этишлари, соҳа ходимларида иқтисодий билим ва бозор кўникмаларини шакллантириш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этишди. Тўғри, бу билан улар оммавий ахборот воситаларни янада эркинлаштириш ва либераллаштириш учун соҳага бозор механизмларини жорий этиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Аммо, ўз сайловолди дастурида «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалambор инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўйган "Адолат" СДП оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам давлат секторининг мавқеини қўллаб-қувватлаш орқали бугунги кунда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган нодавлат ОАВ билан улар ўртасида соғлом рақобот муҳитини шакллантириш тарафдори. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳа ходимлари фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳам партия ўз позициясини белгилаб олган.

Маълумки, "Адолат" СДП жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш тарафдори. Шундан келиб чиққан ҳолда, оммавий ахборот воситалари соҳасида давлат секторининг такомиллашуви мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама кенг ва тўлақонли, энг муҳими, холисона ёритиб бориш самарадорлигини оширади. Давлат ва нодавлат секторлари ўртасида юзага келган рақобат эса, ўз навбатида ОАВ соҳасида фаолият юритаётган журналистларнинг масъулиятини янада кучайтиради.

Шунингдек, мулк шаклидан қатъий назар, мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситаларида ижтимоий дастурларга квоталар ажратилиши лозим. Бундан ташқари, соҳа ривожига қаратилган ҳуқуқий асосларни эътироф этган ҳолда, партиямиз мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини демократлаштириш жараёнида уларнинг аҳамияти ҳамда ролини кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партия фракцияси ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ўз иш режасига киритган. Оммавий ахборот воситаларини молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу борада бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон "Адолат" СДП ОАВ учун турли солиқ ва молиявий имтиёзларини жорий этиш тарафдори. Бу эса, ўз навбатида уларнинг моддий ва техник ҳолатининг яхшиланишига замин яратади.

Бундан ташқари "Адолат" СДП сўз эркинлигини қўллаб-қувватлайди. ОАВ-даги ошкоралик бу — эркинлик ва маъсулият омилидир. Сўз эркинлиги эса, бозор муносабатлари билан эмас, аксинча қонунлар ва ахлоқий меъёрлар билан ҳимоя қилинади. Мазкур устувор йўналишлар эса партиямиз фаолиятининг асосий мезонларидан саналади.

**Раъно ГАИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**"Адолат" СДП фракцияси аъзоси.**




**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Солиқ билимлари — болаларга» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда жойлашган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.**

# БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад — ёшларнинг солиқ саводхонлигини ошириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида солиқ тўловларининг аҳамияти юксак эканлигини тушунтиришдан иборатдир.

— Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган бу тадбир кутилганидан ҳам яхши самараларни бермоқда, — дейди Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Нодир Сувонов. — Ўқувчи ёшлар танлов босқичларида фаол иштирок этибгина қолмай, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишмоқда. Шу билан бирга соҳадаги янгилик ва ўзгаришлардан ҳам ўз вақтида хабардор бўлишмоқда. Кўрик-танловларда маълум бўлмоқдаки, мактабларда ҳам солиқ соҳасига оид фан жорий этилса фойдадан холи бўлмайди. Негаки, солиқлар — иқтисодиёт таянчи эканлигини мактаб ёшиданоқ англаб етган ёшлар келгусида солиқ тўловчи сифатида кўпчиликка ўрнак бўлади.

Кўрик-танлов якунига кўра, «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзуидаги энг яхши иншо номинацияси бўйича Солиқ коллежи ўқувчиси Жаҳонгир Раҳматуллаев, «Солиқ нимага тўланади ва нимага сарфланади» мавзусидаги компьютер тақдимоти номинацияси бўйича Бахтинур Муҳаммедов биринчи ўринга муносиб деб топилди ҳамда уларга танловнинг республика босқичига йўлланма берилди. Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар, солиқ мавзусига оид расм ва ҳикоялар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

## ▽ Партия тадбири

***Тошкентдаги А.П.Хлебушкина номли 22-меҳрибонлик уйи тарбияла- нувчилари фасллар келинчаги — баҳорнинг бетакрор ва нафис байрами — Наръўзи оламни ўзига хос ютуқлар билан қарши олишди. Мана, ўн кундирки, улар бу умумхалқ айёмини кўтаринки кайфиятда нишонлашмоқда. Меҳру оқибат, хайру саховат каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу гўзал байрам уларнинг қалбига бир олам қувонч бахш этмоқда.***

# МЕҲР АРДОҒИДАГИ ЁШЛАР

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ҳамкорликда ўтказган айём тадбиридан бир олам завқу шавқ олишди



Байрам баҳона меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан учрашиб, уларнинг холидан хабар олишга келаётган ҳомий ташкилотлар вакилларининг бир пиёла чой устидаги мулоқотлари болаларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси билан ҳамкорликда ўтказган айём тадбири ҳам Наврўзни соғинган болаларга хуш кайфият улашди. Унда сўзга чиққан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров ёшларни байрам билан қутлаб, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга чақирди.

Халқ таълими вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамғармасининг яқиндан бераётган амалий ёрдами туфайли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда вояга етишмоқда ва ўз орзу-мақсадлари сари дадил интилиб, шаҳардаги 79-,128-умумтаълим мактабларида пухта билим олишяпти. Ўзбекистон жангчи-фахрийлар бирлашмаси раиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Талъат Муродов бу ерда ўз ҳамкорлари билан ташкил этган ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги икки гуруҳда тарбияланаётган болакайларнинг машғулотларини мунтазам кузатиб боради. Тадбирда гуруҳлар иштирокчиларининг беллашувлари намойиш этилди. Уларнинг санъат, спорт соҳаларидаги ранго-ранг дастурлари тадбирга файз бағишлади. Ўз навбатида, бу ерга ташриф буюрган таниқли қўшиқчилар чиқишлари ҳам барчага манзур бўлди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Наврўз таомлари билан безатилган тўкин дастурхон атрофида жам бўлишиб, айём қувончларини дилдан ҳис этдилар. Уларга партиянинг байрам совғалари топширилди.

Меҳр ардоғида ўсаётган ўғил-қизларнинг бахтиёр чеҳраларига боқиб, ҳаётда ёлғиз эмасликлари ва теварагида олийҳиммат кишиларнинг борлигини ҳис этиб яшаётганликларини дил-дилдан туйдик.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.**

**2010 йил** *Баркамол авлод йили*

# ЁШ ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

## қурилиши мамлакат бўйлаб кенг қулоч отмоқда

(«Фазилатли юрт, фазилатли халқ фарзандларимиз» туркумидан)

«Мен бир ҳақиқатни доим таъкидлайман, — **деган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1999 йил, 27 март куни «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Миллат қудрати — ҳамжиҳатликда» номли маърузасида,** — бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларни пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман, деб қайта-қайта айтганман.»

Дарвоқе, ундан уч ойча олдин, аниқроғи, 1998 йил, 23 декабрда вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳам айтган эди: **«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.»**

Қаранг, нақадар эътибор, нақадар меҳр, нақадар ғамхўрлик..! Ва бу эътибор меҳр ва ғамхўрлик изчиллигига ҳам эътибор беринг: 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2008 йил — «Ёшлар йили», 2010 йил — «Баркамол авлод йили». Ҳаммасининг маъно-мазмуни-ю моҳият-мантиғида баайни ёшлар — комил инсон тарбияси ва тақдирига бўлган ишонч, умид ёлқинлари ёлқинланиб турибди. Юрт, миллат ва халқ келажагига бундан-да ортиқ куюнчаклик бўладими! Бугун барчамизга шиор бўлиб кетган **«элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак»** деган пурҳикмат башоратнинг ҳам асл маъно-моҳияти, ўзак мазмуни, мантиғи шунда!

Мамлакатимизда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ҳамда бу йилнинг давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Президентимиз Фармони, Дастурнинг тасдиқланиши ҳақидаги қарор — ҳаммаси соғлом ва баркамол авлод тарбиясига йўналтирилган кенг кўламли вазифалар изчиллиги, шубҳасиз.

Ана шу вазифалар муфассал баён этилган Дастурнинг IX боби номланишига бир эътибор қаратинг: **«Ёш оилалар тўғрисида эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш».**

Мазкур боб бошидаёқ 2010 йилнинг ўзида никоҳда туришганига камида уч йил бўлган ёш оилаларни уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, 2010-2011 йилларда Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят марказида ва Тошкент шаҳрида уларга 32 тадан ижарага квартира берилишига эришиш каби кўпдан-кўп вазифалар белгилаб қўйилди.

Нечоғли мақтовга молик бўлган бу ғамхўрлик ва бу эътиборни халқимиз кенг қўллаб-қувватлади. Хусусан, тегишли вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ташаббуси билан жойларда нафақат давлат бюджети, балки маҳаллий бюджетлар, ташкилотлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ҳам ёш оилалар учун уй-жой ҳамда тураржой бинолари қуришга йил бошиданоқ жадал киришилди. Буни таҳририятимизга кун сайин келаётган хат-хабарлар оқимидан ҳам кўриб-билиб турибмиз. Мана, уларнинг айримларидан сатрлар:

✱ «Самарқанддаги «Ватанпарвар» маҳалласида янги, замонавий кўп қаватли тураржой биноси ҳарбий ёш зобитлар ихтиёрига топширилди. Барча қулайликларга эга бу уйларга 64 нафар ҳарбийлар оиласи кўчиб ўтди.»

✱ «Вобкент (Бухоро вилояти) туманининг «Харгўш» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Паноб аҳоли масканида 20 та уй-жой қурилиши поёнига етмоқда. Уларни тиклаш ишларида «Вобкентбунёдкортаъмир» масъулияти чекланган жамият қурувчилари астойдил меҳнат қилиб, ҳозиргача 1 миллиард 128 миллион сўмлик иш бажаришди. Жамият жамоаси бу ерда яна 34 та уй қурилиши пойдеворига ғишт қўйди. Шунингдек, Панобда «Вобкент-Паноб қурилиш» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари ҳам 25 та уй-жой қурилишини бошлаб юбордилар.»

✱ «Наманган туманининг Ҳонобод қишлоғида 27 та тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг Поп, Косонсой, Учқўрғон туманларидаги Санг, Қўқимбой, Янги қишлоқ каби аҳоли манзилгоҳларида ҳам қад ростлаган 20-25 тадан янги уйлар калитлари ўз эгалари қўлига топширилди...»

✱ «Узун — нафақат Сурхондарёнинг, балки мамлакатимизнинг ҳам энг кенжа туманларидан бири. Ҳозир 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманнинг умумий ер майдони 1,63 минг квадрат километрдан иборат. «Баркамол авлод» йилида бу ерда Қорабой Алиев номли ва «Серҳаракат» сувдан фойдаланиш уюшма (СФУ)лари ҳудудидан 32 гектар майдон ана шу янги уй-жойлар қурилишига ажратилди. Айни кунларда ҳудудда «Қишлоққурилишинвест» кредитлари эвазига 36 та ёш оила якка тартибда тураржойлар бунёд этиш учун мўлжалланган намунавий лойиҳалар ҳужжатлари тайёрланмоқда.»

✱ «Элликқалъа (Қорақалпоғистон Республикаси) туманида «Баркамол авлод йили» қатор хайрли ишлар билан бошланди. Асосан ёш оилалар учун мўлжалланган уй-жойлар қурилиши ўтган икки ой ичидаёқ бирин-кетин поёнига етай деб қолди. Шу кунларда тумандаги Қилчиноқ қишлоғида 20 та уй-жой биносининг сўнгги пардоз ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Ақчакўлда 15 та, Тозабоғда 15 та янги уйлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Республиканинг Хўжайли, Амударё, Тўрткўл, Тахтакўпир, Қораўзак, Қўнғирот туманларида ҳам ўнлаб, юзлаб ёш оилалар учун замонавий уй-жойлар қурилиши жадал кетмоқда.»

✱ «Қўшработ туманининг Зармитан кончилар шаҳарчасида яқинда ёш геолог-мутахассислар учун ҳар бири саккиз хонадонга мўлжалланган учта тураржой биноси барвақт қуриб битказилди. Шунингдек, бу ерда кончилар ҳузурига ташриф буюриб турадиган меҳмонлар учун ихчамгина замонавий меҳмонхона ҳам қад кўтарди. Жорий йил охиригача шаҳарчада яна ҳар бири саккиз хонадонли тўртта уй ва иккита коттеж қурилиши ниҳоясига етади.»

Бундай хушхабарларни кўплаб ва яна кўплаб келтириш мумкин. Ғиждувоннинг «Гаждумак» маҳалласида тикланаётган 20 та бир ва икки қаватли шинам уй-жойларни оласизми, Хўжайлининг Ойбек посёлкасида жами 46 та, шундан 20 таси жорий йил охиригача фойдаланишга топширилиши кутилаётган замонавий ҳовли жойларни оласизми, Бўка туманининг «Жағалбайли» маҳалласида бунёд топаётган 20 та хонадонга мўлжалланган (ҳар бири тўрт хонали) уйлар ёки яқиндагина ишга туширилган Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 11 та, Боғот туманида 10 та, Гурланда 6 та, Қўшкўпирда 9 та, Ҳазораспда 8 та, Урганч туманида 2 та, Хонқада 6 та, Хивада 9 та, Шовотда 15 та, Янгиариқда 10 та, Янгибозорда 5 та тураржой ва ҳовлиларнинг «Муборак бўлсин!» уй тўйларини оласизми — барчаси **Баркамол авлод — бўлгуси комил** инсонлар тарбияси, келажаги йўлида қилинаётган энг хайрли, энг улуғвор ишлар намунасидир.

Зеро, Президентимиз юқорида эслатиб ўтганимиздек, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда яна дегандилар: **«Фарзандларимиз — бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли — эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.»**

Бугун **фазилатли юртимизда фазилатли халқимиз** томонидан астойдил қўллаб-қувватланаётган ва бутун мамлакатимиз ҳудудларида кенг қулоч отаётган ўлмас ва сўнмас ташаббус — ёш оилалар учун янги уй-жойларда, шаксиз, Юртбошимиз таъриф этган ғуруримиз, фахримиз — фарзандларимиз яшайди, камол топади, комил инсонлар бўлиб етишади.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

## ▽ Қарор ва ижро

# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

## аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлиги билан аҳамиятли

Президентимизнинг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори хўжалик субъектлари фаолиятининг янада жонланишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Қарорга мувофиқ ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга, фойда солиғи 10 фоиздан 9 фоизга камайтирилди. Бу, ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар моддий-техника базасини яхшиланишига, ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи қуйи шкаласи ставкаси 12 фоиз ўрнига 11 фоиз этиб белгиланганi эса аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган давлатимиз сиёсатининг ёрқин намунаси бўлди. Қолаверса, солиқ қонунчилигидаги бундай имтиёзлар аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳанинг моддий-техника базасини яхшилаш билан бирга, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг арзонлашишига, сифатининг янада яхшиланишига олиб келмоқда. Биргина бизнинг туманимизнинг ўзида мазкур қарорга асосан 14 та корхонага имтиёз берилди. Уларнинг ўз ҳисобида қолган маблағи 189619,9 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу корхоналар эндиликда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида, аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшмоқда.

**Шерзод СУЯРОВ,**
**Учтепа туман ДСИ шўъба бошлиғи.**

# ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

## унинг олдини олиш ҳамманинг бурчи

Олов қадим-қадимдан инсоннинг яқин дўсти, ёрдамчиси бўлиб келган. Бироқ, ундан нотўғри фойдаланиш оғир оқибатларга олиб келиши тайин. Аниқроғи, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги натижасида аксарият ҳолларда фуқаролар мол-мулкига катта миқдорда моддий зарар етади, кишилар саломатлиги, ҳатто ҳаёти хавф остида қолади.

Афсуски, кейинги пайтларда фуқароларнинг совуққонлиги, эътиборсизлиги натижасида ёнғинлар сони ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг дастлабки икки ойи давомида Тошкент шаҳрида 169 та ёнғин ҳисобга олинди. Шундан 76 таси фуқароларнинг шахсий ҳовли-уйларида содир бўлган. Бу ёнғинлар туфайли 13 миллион 654 минг сўм миқдорида моддий зарар кўрилган. Ачинарлиси, 7 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмган, 11 нафар киши турли даражадаги куйиш тан жароҳатини олган.

Кўриниб турибдики, ёнғин оғир оқибатларга сабаб бўлади, инсон учун қимматга тушади. Демакки, ёнғинни бартараф этишдан кўра унинг олдини олган маъқул. Бунинг учун эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозим. Айниқса, газ ўчоқлари ва электр ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, уйлар ва хонадонларда чиқиндиларни, шохшаббаларни ёқмаслик, шунингдек, ёш болаларни уйда ёлғиз, қаровсиз қолдирмаслик, уларни гугурт ўйнашларига йўл қўймаслик керак. Ана шунда биз нафақат ўзимизнинг, балки ўзгаларнинг ҳаёти ва мол-мулкини сақлаб қолган бўламиз.

**Д.САЙФУЛИН,**
**Тошкент шаҳридаги 12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди 2-алоҳида пост бошлиғи.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

мамлакатимиз аҳлини баҳорий — айём Наврўз байрами билан муборакбод этади ва миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонатларни амалда жорий этилишини маълум қилади:



**“МАТОНАТ”**

- сақлаш муддати – 24 ой;
- омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади;
- дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

**“ЧИНОР”**

- сақлаш муддати – 18 ой;
- омонат бўйича қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади;
- дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

**35 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН “БАРКАМОЛ АВЛОД” МУДДАТЛИ ОМОНАТИ**

- сақлаш муддати – 3 ой;
- омонат бўйича қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар ҳар ойда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади;
- дастлабки бадал миқдори чекланмаган;
- омонатга маблағ қабул килиш 2010 йилнинг 1 майига қадар амалга оширилади.

**ҲАМДА БОЛАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН “НИҲОЛ” ЖАМҒАРМА ОМОНАТИ**

- сақлаш муддати – 5 йилдан кам эмас ва боланинг 16 ёшига тўлгунига қадар;
- омонат бўйича қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади;
- дастлабки бадал миқдори чекланмаган.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

***Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.***

**www.nbu.com**


## Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин!




## ЗАРАФШОН ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*юртимиз аҳолисини табиат ва гўзаллик байрами – Наврўз билан муборакбод этади.*

*Шу кутлуғ кунларда ҳар бир юртдошимизнинг қалбидаги орзу-умидлари ижобат бўлишини чин дилдан истайди.*




**Ҳуқуқ ва қадрият**

## ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ МЕЗОНИ

Ҳуқуқий давлат ҳокимиятни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча тарафларини, шунингдек, олдинда турган вазифаларга ечим топишнинг шакл ва усулларини, жамият, миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда алоҳида фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари каби тузилмаларни қамраб олади.

Жамият ва давлатда ҳуқуқ ҳукмронлиги – унинг устун мавқега эга бўлишини таъминлайди. Зеро, ҳуқуқ – инсоният тараққиёти мезони бўлиб, у бошқариш ва таъсир этиш борасида тўпланган ижтимоий тажрибаларнинг асосий моҳиятидан келиб чиқади, умуминсоний қадриятлар ҳамда адолат, демократия каби юксак ғояларни мужассамлаштиради. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги ана шу улкан аҳамияти ва вазифасини тушуниб етган давлатгина ҳуқуқий давлат қура олади.

Мамлакатимиз Президенти шу йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда кенг, муфассал тушунча бериб ўтдилар: «Қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор.

Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

Демак, ҳуқуқий қадриятлар устунлиги, уларнинг – ҳам аҳоли, ҳам давлат хизматчилари орасида нуфузини ошириш – жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминотининг энг муҳим омилидир.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари ҳали 1996 йилдаёқ ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида ёзганидек: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.»

Айни шу нуқтаи-назардан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг баркамол ривожи ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовордир. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий давлат тарихимиз келажагидир.

**Умиджон ҚОРАБОЕВ,**
**Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси.**




## Чироқчи туманининг Кўкдала қўрғонидаги «Зарина Манзура Тоштурдиевна» хусусий савдо фирмаси аҳли

мамлакатимиз фуқароларини Наврўз айёми билан қизғин табриклар экан, уларнинг ҳамма эзгу ниятлари ушалишини тилаб қолади. Топгани тўйларга буюриб, бир-бирларига меҳру оқибати, иззат-ҳурмати асло сўнмасин. Ҳар бир иш ва ҳар бир юмушда омад доимий ҳамроҳи бўлсин.



# Самарқанд ALC концерни

**мамлакат ободлиги, эл фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўзи айём билан самимий муборакбод этади.**

*Ушбу хушбахт кунларда
баҳорий кайфият, омад,
эзгу ниятлар доимий
ҳамроҳингиз бўлсин!
Хонадонингиздан қувонч,
дастурхонингиздан
қут-барака
ҳеч қачон аримасин!
Баҳор Сизни янги улғайиш,
янги орзу бунёдкорликлар
сари ундасин.*



## «ҒАРБГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ ҒИЖДУВОН ТУМАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*юртимиз аҳлини мустақил мамлакатимизнинг ўн тўққизинчи кўклами — Наврўз байрами билан қизғин қутлаб, барчага шодлик, фаровонлик ва бахт-саодат тилайди.*



**Наврўз ўлкамизга янгича кўрк-тароват, қут-барака, тинчлик ва ҳар бир юмушда фақат омад олиб келгай!**



## «Ўзтрансгаз» компанияси «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Марғилон шаҳар филиали жамоаси

кўп миллатли Ўзбекистон халқини умумхалқ байрами — Наврўз билан муборакбод этади.





*Табиатнинг уйғониши, борлиқнинг янгиланиши барчамизга янги куч, эзгу ниятлар ва яхшиликлар бахш этсин. Барчага мустаҳкам соғлиқ, жонажон юртимизнинг равнақи йўлидаги шижоатли меҳнатларида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.*

## ҚЎРҒОНТЕПА ТУМАН УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЧЖ

*жамоаси Наврўз байрами билан заминимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони чин дилдан муборакбод этади.*



Наврўз кунлари одатда эски гина-кудуратлар унутилиб, одамларга меҳр-оқибат, муҳаббат туйғулари мисоли қуёш нуридай сочилади. Шунинг учун ҳар кунимиз бўлсин Наврўз!



*Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

## Шаҳрисабз туманидаги «Дурбек Нурбекович» фирмаси тадбиркорлари

*серқуёш Ўзбекистон аҳлини БМТ шу йилдан бошлаб Наврўз байрами кунини Халқаро Наврўз куни деб тан олгани билан чин дилдан қутлайди.*

Қутлуғ айём ҳар бир оилага бахт-саодат, фаровонлик ва қут-барака келтирсин.



«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилоят Қамаши филиали жамоаси

ўз акциядорлари, ходимлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни баҳор байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!
Ўзбекистон халқига мустаҳкам соғлик-саломатлик, фаровон турмуш, оилавий бахт-саодат тилаб, мустақил ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги самарали меҳнатларида янги-янги зафарлар ёр бўлишини тилайди.
Наврўз айёми барча-барчамизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, кўнгилларимизга баҳорий завқ-шавқ олиб келсин.



Пойтахтимиздаги
«Янгиобод ихтисослашган бозори»
масъулияти чекланган
жамияти жамоаси

***азиз юртдошларимизни ўлкамизга кириб келган Наврўзи олам билан табриклайди.***

Барчангизга соғлик-омонлик,
хонадонингизга файзу барака,
дастурхонингизга тўкинлик тилайди.
Оилангизда тинчлик-хотиржамлик,
аҳиллик ҳамиша барқарор бўлсин.

**Юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигига фидокорона меҳнатимиз билан ҳисса қўшайлик.**



▽ **Бугуннинг гапи**

## ИСТЕЪМОЛЧИ ДОИМО ҲАҚ, ЛЕКИН...

Табиий газ аҳоли фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади. Негаки, газ атиги бир-икки соат ишламай туриши ишлаб чиқариш корхоналарига катта зиён етказади. Совуқ, изғиринли кунларни қўя турайлик, бундай ҳолат аҳоли хонадонларида оддий овқат тайёрлашда ҳам қийинчиликлар келтириб чиқариши барчага аён. Шундай экан, уни тежаб-тергаб ишлатиш, қолаверса, ҳақини ўз вақтида тўлаш юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда муҳим омилдир. Ахир, газ қувурларини таъмирлаш, алмаштириш ҳамда етказиб беришнинг ўзи бўлмайди. Жуда катта маблағ, қолаверса, соҳадаги ишчи-ходимларнинг фидокорона меҳнатини талаб этади. «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси «Қува тумангаз» филиали ходимлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида жамоат жойларида, таълим муассасаларида, маҳаллаларда учрашув ва тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу яхши самара бериб, ўз хоҳиши билан ишлатилган газ ҳақини тўлайдиган мижозлар сони кун сайин ортиб бораяпти.

— Кузги-қишки мавсумда аҳолига табиий газни узлуксиз етказиб беришга эришдик, — дейди туман филиали директори Рустамжон Салимов. — Албатта, бунда жамоамизнинг қўлни-қўлга бериб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилгани қўл келди. Қолаверса, туман ҳокимлиги ҳам бизга яқиндан ёрдам берди. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмагани каби тадбиркорлик баҳонасида тандирхона қуриб олиб, газ қувурларига уланиб олаётган айрим устамонларнинг қинғир ишлари натижасида баъзи чекка ҳудудларга газ етиб бориши қийинлашмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, тезкор гуруҳ туздик. Видеокамерадан фойдаланиб, жойнинг ўзида далолатнома тузиб бораётганимиз боис, газдан ўғринча фойдаланган шахслар 500 минг сўмдан 1 миллион сўмгача жаримага тортилмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида дебитор қарздорликни анча камайтиришга эришдик...

Дарвоқе, айни кунларда филиал томонидан аҳоли хонадонларига 20 минг дона замонавий газ ҳисоблагич ўрнатиш ишлари олиб борилаётганлиги газ таъминотининг янада яхшиланиши ҳамда табиий бойлигимиздан ўғринча фойдаланишга чек қўйилишига мустаҳкам замин яратмоқда.

**Ғулом ХИДИРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

**«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси «Қува тумангаз» филиали ходимлари Ўзбекистон аҳлини кўҳна шарқнинг бетакрор айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади.**



## МИРОБОД САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

***кўклам даракчиси – Наврўз байрами билан бунёдкор халқимизни, соҳа ходимларини қизғин қутлайди.***

Қарийб икки минг нафар ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган мазкур коллеж Польша ва Жанубий Кореянинг махсус лойиҳалари асосида жиҳозланган бўлиб, автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, информатика ва ахборот технологиялари, хўжалик ҳуқуқий фаолияти, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, жисмоний тарбия ва болалар спорти ҳамда енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналишлари бўйича малакали кадрлар етказиб беради.

Учта замонавий спорт зали, ахборот-ресурс маркази, турли фан кабинетлари ўқувчилар билан доимо гавжум. Уларга 3 нафар фан номзоди, 24 нафар олий тоифали, 36 нафар биринчи тоифали ўқитувчилар сабоқ беришмоқда.

Коллеж ўқувчилари ҳамда педагогик жамоаси яшариш, гўзаллик ва нафосат байрами – Наврўзи айёмни алоҳида дастур асосида нишонламоқда.



***Яшариш, гўзаллик ва нафосат байрами – Наврўзи айём барчамизга қутлуғ бўлсин!***

# КЕЛАЖАК ПОСБОНЛАРИ



**Т**ошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 152-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбир Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилди.

Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби боболаримизнинг саркардалик фаолияти ва уларнинг собит қадамлари акс эттирилган лавҳалар ҳамда бугунги аскарларнинг ҳарбий машқлари тасвирланган турли хил расм — плакатлар майдончага кўрк бағишлади.

Тадбирда ҳарбий ватанпарварлик машқларини тезкор бажариш бўйича ўқувчиларнинг чиқишлари намойиш этилди.

— Ўн ёшли болалар, яъни, мактабнинг 3-синф ўқувчилари иштирокида ўтган ушбу тадбир ўқувчиларга бошланғич ҳарбий машқларни ўргатиш, ҳарбий тартиб-интизом қоидаларига риоя қилиш малакасини шакллантиришда шубҳасиз, катта ўрин тутади, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири — элшунос тадқиқотчи Билол Аминов. — Тадбирни "Собит қадам" деб номлашимиз ҳам бежиз эмас, — гапга қўшилди бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Бобоева. — Бу таърифнинг ўзиёқ мурғак қалбларда миллий қаҳрамонларимизнинг собит қадамларидан ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотиб, уларда ҳарбий ватанпарварлик руҳини кучайтиради...

Тадбир сўнгида ёш ватанпарварлар ўз устозлари ҳамроҳлигида "Ватанга қасамёд" монументи пойига гуллар қўйиб, таъзим бажо келтирдилар.

**Юсуф ЗИЁДОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

***Суратда:*** тадбир иштирокчиларидан бир гуруҳи.

# БАХМАЛ ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

***Ўзбекистон халқини, таълим соҳаси фидойиларини юртимизнинг ўзига хос бетакрор байрами, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади***

**600 ўринга мўлжалланган таълим даргоҳида ўқувчилар банк иши, молия, бухгалтерия, хўжалик ҳуқуқи, бошланғич таълим сингари 8 та мутахассислик бўйича таҳсил олишмоқда. Коллеж ўқувчилари талаб даражасида билим олиб, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Тўлиқ жиҳозланган физика, кимё, информатика, биология, инглиз ва рус тиллари хоналари, 45 ўринли кутубхона, фаоллар зали, 100 ўринли ётоқхона ҳамда спорт заллари улар ихтиёрида. Ўзаро тузилган шартномаларга кўра, вилоятдаги банк ва молия муассасаларида ўқувчиларнинг амалиёт ўташлари йўлга қўйилган. Бу, ўз навбатида, коллеж ўқувчиларининг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашларига, уларнинг малакали мутахассис кадрлар бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда.**




*Турмуш чорраҳаларида*

## ОТА БЎЛИШ ОСОН...МИ?

**И**кки ёш, икки қалб не-не орзу умидлар билан оила қуради. Ҳаётнинг турли хил қийинчиликларини сабру бардош билан енгиб ўтиб ўз мақсадига эришаётган бахтли, саодатли оилаларни кўриб уларга ҳавасинг келади. Лекин, арзимас, майда-чуйда гап-сўзлар туфайли ажрашиб кетаётган ёш-ёш оилаларнинг аянчли аҳволига қайғурмасдан илож йўқ. Наҳотки, ота-она, қўни-қўшни, маҳалла-кўй уларнинг бу тариқа ҳаёт кечиришларига бефарқ қараса, деб ўйланиб қоласан. Ўзларику майли, улар ўртасида дунёга келган ширин-дан-шакар норасида гўдакларда не айб, нима гуноҳ? Ахир, қанчадан қанча оилалар тирноққа зор бўлса-да, ўртадаги меҳр-оқибат туфайли келажакка умид ва ишонч билан кўпчиликка ибрат бўлиб яшаб келишмоқда.

Иш юзасидан бундай енгил-елпи ҳаётга ўрганган ёшлар билан суҳбат қурамиз, уларга иложи борича тўғри йўл кўрсатамиз. Бизни тўғри тушунганлари яна бирга яшаб кетишмоқда. Бироқ...

Табиийки, қонуний никоҳдан ажралгандан кейин фуқаролик судлари фарзандлар таъминотини ота зиммасига юклайди. Бироқ, баъзи оталарнинг ўзининг пушти камаридан бўлган жондан азиз фарзандларига алимент пулини тўлашга келганда турли хил баҳоналарни рўкач қилишни канда қилмаётгани ташвишланарли ҳолат. Адолатли қонунларимизда вояга етмаганларни ижтимоий ва моддий таъминлашдан бўйин товлаган, уч ойдан ортиқ вақт давомида белгиланган алимент пулини тўламаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак. Навоий шаҳрида яшовчи Мурод Далаев ўзи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлигига қарамасдан суд қарори орқали фарзандлари учун тўланиши керак бўлган 3 миллион сўм миқдоридаги пул маблағини йиллар давомида тўламай келган. Унга нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Буни қарангки, суднинг қора курсисига ўтирган заҳотиёқ Мурод Далаев кўрсатилган маблағни тўлади...

4 нафар фарзанднинг бўлмиш отаси Ҳабибулла Оқпўлатовнинг қилмишлари ҳаммасидан ошиб тушди. У олий маълумотли бўлишига қарамасдан фарзандларини тирик етим қолдиргани етмагандай, алимент пулини узоқ муддат тўламасдан келди. Қонун барчага баробар. Ҳабибулла Оқпўлатов ҳам қонунда белгиланган тартибда жазога тортилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ўз жигаргўшаларини вояга етказиб, уларга таълим-тарбия беришни унутиб, бор оғирликни муштипар она зиммасига юклаб, таралла бедод қилиб юрганлар бундан ўзлари хулоса чиқариб олишар. Негаки, ҳуқуқий демократик жамиятимизда вояга етмаган ҳар бир ёш давлатимиз ҳимоясида.

**Ҳамза БОБОМУРОДОВ,**
**Навоий шаҳар прокурори**
**катта ёрдачиси.**

*Халқ ҳикматлари*

- *Ҳамал кирди — амал кирди.*
- *Уч ойлик — кўкча бойлик.*
- *Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди.*
- *Ҳисобини билмаган деҳқон, деҳқон эмас.*
- *Бир кун бир йилни тўйдиради.*
- *Бир кунликдан қолдинг — бир йилликдан қолдинг.*
- *Чиқимдан қочган киримдан қолади.*
- *Баҳор келди, буғдой эк, нон бўлади.*
- *Қишин — ёзин жонингга жон бўлади.*
- *Буғдой — тинч хонадон захираси.*

*Мулоҳаза*

## ГЎЗАЛЛИКНИНГ ҲАМ МЕЪЁРИ БОР...

**Г**ўзаллик. Бу сўзни тилга олган ҳар бир инсон юзида табассум, дилида яхши кайфият пайдо бўлади. Кўз олдимизда эса табиатнинг жамики мавжудотларига инъом этган гўзаллиги-ю, Оллоҳ тоалонинг инсониятга ато этган кўрки-тароватi гавдаланади. Хўш, бугунги кунда ёшларимиз ўша гўзаллик, ўша кўрк-тароват, қолаверса, ўзбекона ибо-ҳаё қадрига етаяптиларми?

...Эрталаб уйдан чиқиб ўқишга йўл олдим. Рўпарамдан 17-18 ёшли қоматлари келишган, сочлари узун ва ширмой юз, Яратган ўзининг бор инъомини берган гўзал бир қиз келаяпти. Ҳар қанча ҳаракат қилманг, унга қарамасдан ўта олмайсиз.

Бироз юргач, яна бир «гўзал» пайдо бўлди. У юз-кўзлари, қошу киприкларини ҳаддан зиёд турли хил бўёқлар билан чаплаб олган, сочларини минг хил мақомга солганди. Пардоз-андозидан ҳатто ёши нечада эканлигини ҳам билиб бўлмасди. Охирги модада кийиниб, барчанинг этиборини тортишга ҳаракат қилар, устида енги, ёқаси йўқ кофта ва калта юпка... Бўйни, билаклари ва бармоқларида шода-шода тилло тақинчоқлар... Қўлида сигарета... Беихтиёр ўйга толасиз: шу — иболи ўзбек аёлига, ўзбек қизларига хос юриш-туришми?! Наҳотки, унинг ўзи буни билмаса? Қани ўзбекона шарм, ҳаё, ибо, латофат? Қараб туриб, кулишингизни ҳам, куйинишингизни ҳам билмайсиз.

Қиз боланинг ҳуснига ҳусн қўшадиган, номини пок, бокира сақлайдиган фазилат, бу — юзга сурилган бўёқлар-у бачкана кийимлар эмас, аксинча, ундаги ҳаё, ибо, андишадир. Бу фазилатларсиз инсонни илдизи қирқилган дарахтга ўхшатиш мумкин, холос...

Ўтмишдаги аждодларимиз ҳаётига назар ташлайдиган бўлсангиз, кўз ўнгингизда Тўмарис, Қорасочойим, Гавҳаршодбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодира ва яна юзлаб улуғ момоларимиз сиймолари намоён бўлади.

Бувиларимиз доим насиҳат қиларди: қиз бола сабр-тоқатли, ибо-ҳаёли бўлади. Катталар олдида ўзларингни тута билинглар, йўлини кесиб ўтманглар, бошингизни бироз ерга эгиб, салом беришни унутманглар, кўринишингиз ҳам, кийинишингиз ҳам, юриш-туришингиз ҳам табиий бўлсин.

Оналаримиз сабоқ берарди: катталар билан дастурхон атрофида ўтирганда ўрнингизни билиб ўтиринг. Дастурхонга ёшу улуғлардан олдин қўл чўзманг. Иложи борича улар суҳбатига аралашманг. Ҳозир айни балоғат ёшидасиз. Ана шу балоғат ёшингизнинг ўзи гўзаллик! Бу гўзалликка ортиқча бўёқ, ортиқча пардоз-андознинг кераги йўқ... Ва яна катта бўлсин, кичик бўлсин — ҳамма билан тенг, юмшоқ муомалани касб этинг, андиша ҳамроҳингиз бўлсин, жисмингизни ҳаё, ибо қамраб турсин.

Оталаримиз ўгит берарди: ўзингизга турмуш ўртоқ қидириб юрманг, улар сизни қидирсин. Ҳозир кўп қизлар қўш-қўш «сотка» олволиб йигитларга бекорчиликдан «телефон қилиш» одатини касб қилиб олишган. Бу одат уларнинг ўз қадрини нечоғлик ерга уришини билсангиз эди. Сиз гўшакнинг бир томонини тутиб турасиз, бироқ иккинчи томонида сизнинг гапларингизга масхаромуз жавоб бераётган йигит сўзларини тоқат билан эшитиб турганингизнинг ўзи ачинарли ҳол.

Ушбу сатрларни қоғозга тушираётиб, устозларимдан бирининг ҳам панду насиҳатини эсладим ва битигимни у кишининг сўзлари билан якунлашни жоиз билдим: «Жамоатчилик орасида бачкана қилиқлар билан кўзга ташланишга ҳаракат қилманг, ёмон кўзлардан йироқ бўлинг. Сизни излаган кўз бир зумда эмас, йиллаб қидирсин. Қўл етмас чўққи бўлинг, сизга етишишни орзу қилганлар доим интилиб яшасин. Ана ўшанда эъзозли, қадрли қизлар бўласиз. Зеро, яхши фазилатлар ҳамроҳингиз бўлса, кам бўлмайсиз, халқимизнинг муқаддас аёл дея улуғловчи муборак номга лойиқ бўласиз...»

Дарвоқе, менинг бу мушоҳадаларимга яхши инсонлар, уларнинг барча бокира қизлари ҳам қўшилса керак. Сиз-чи?!

**Дилором ЖУМАНИЁЗОВА,**
**«Adolat» мухбири.**

*Табиат инъомлари*

## Ялпиз хосиятлари



**Я**лпиз жуда кенг тарқалган хушбўй, хуштаъм ва шифобахш ўсимликлар сирасига киради. Юртимизда унинг қора ялпиз, тоғ ялпизи, ёғли ялпиз, қалампир ялпиз, сув ялпизи каби турлари мавжуд. Уларнинг униб чиқиши учун серунум, чириндига бой қора тупроқ етакчи омил саналади. Табиий ҳолда сернам жойларда, сув бўйларида, адирларда ўсади. Шунингдек, ялпизни хона ҳарорати шароитида ҳам ўстириш мумкин.

Ўтмишдан маълумки, Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. У овқатни яхши ҳазм қилиш воситаси сифатида ҳам қўлланилган. Унинг қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём қуёнчиқ ва тутқаноқ, шираси эса шақиқа (мигрень) ва сариқ касалликларини даволашда фойдаланса бўлади. Шунингдек, ялпиздан олинган шарбат қўтирни даволашда ижобий самара беради.

Халқ табобатида ялпиздан кўкракни юмшатиб, балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўлларини очишда кенг фойдаланилган. Қалампир ялпизнинг асаб касалликларида, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшиловчи, тинка қуриши, ҳолсизланишда, вабо ва бод касаллигида организмни мустаҳкамловчи таъсири бор. У сафро ҳайдаш, ширинча, мичал (рахит) касалликларида фойда берувчи табиий восита ҳамдир.

Доривор ўсимликнинг хусусиятлари ҳақида яна шуни қўшимча қилиш керакки, меъда-ичак йўли тиришиши (спазма), бемаврид ич кетиши, қабзият, меъда нордонлиги ошганда, ўт пуфагида тош бўлганида, бавосилда, ўпкадан кўплаб қон кетишида ялпизли дамламалар тавсия этилади. Дамламаси билан оғиз бўшлиғи, милклар яллиғланганида ғарғара қилинади, тери чидаб бўлмас қичиганида ювилади.

**Мурод ДИЛ.**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партия аъзоси, меҳнат фахрийси **Башорат МИРБОБОЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

**Телефонлар:** қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; Партия ҳаёти, мафкура, сиёсат, маданият ва спорт бўлими — 236-57-14; Иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, реклама ва шартномалар бўлими — 236-54-39

**Манзил:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100 | ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЁРОВ
Навбатчи — Ғулом ХИДИРОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 200. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 4065. Босишга топшириш вақти — 22.00 Босишга топширилди — 22.30 1 2 3 5 6 7 8